



2020 у «19» октябр

№ К-1599

« »

20 г

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги “Давлат  
органлари ва ташкилотлари томонидан  
йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш,  
етказилганигини тасдиқлаш, маълумотларни  
сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий  
тизимини жорий этиш чора-тадбирлари  
тўғрисида” 637-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг  
2020 йил 13 октябрдаги  
К-569-сонли қарорлари ижросини таъминлаш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон  
хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги  
ПҚ-4699-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, замонавий ахборот  
технологияларини жорий этиш орқали давлат бошқаруви органлари, маҳаллий  
ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари,  
ташкилотлари, суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда -  
давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан юридик ва жисмоний шахслар  
номига йўлланувчи хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа  
юридик хужжатларни почта алоқаси объектлари тармоғи орқали етказиб бериш  
жараёнини такомиллаштириш мақсадида

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил  
9 октябрдаги “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи  
хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганигини тасдиқлаш, маълумотларни  
сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-  
тадбирлари тўғрисида” 637-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил  
13 октябрдаги К-569-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул  
қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори  
 билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва  
электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил

28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими (кейинги ўринларда - Ягона миллий тизим) яратилганлиги;

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари, тумандаги барча корхона, ташкилот раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш худудий бошқармаси билан биргаликда идоравий ахборот тизимларини Ягона миллий тизим билан интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар номига почта жўнатмаларини ушбу тизимдан фойдаланилган ҳолда юборишни жорий этсин;

ҳар йили келгуси йил учун харажатлар сметасини шакллантирища почта жўнатмаларини Ягона миллий тизимдан фойдаланган ҳолда юбориш учун маблағлар назарда тутилишини таъминласин;

юридик ва жисмоний шахслар номига йўлланувчи хуқуқий жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган хат-хабарларни етказиб бериш жараёнини босқичмабосқич тўлиқ электрон шаклга ўтказиш чораларини кўрсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Култаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров